



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA  
KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI**

**B U Y R U G‘I**

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлигига ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш  
(ёллаш) тартиби ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 18 майдаги 103-Ф-сон фармойиши билан тасдиқланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида иш берувчи ва номзод ўртасида видеосухбатни масофавий интервью йўли билан махсус телекоммуникация алоқа ҳамда видеоконференция воситалари ёрдамида ўтказиш механизмларини жорий қилиш юзасидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Чоратадбирлар режаси”га мувофиқ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш (ёллаш) тартибини такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш (ёллаш) тартиби”нинг такомиллаштирилган янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин, шу муносабат билан вазирликнинг 2015 йил 8 июндаги 127-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Кадрлар бўлими (З.Тогаева):

Вазирликнинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Ш.Ахматов) билан биргаликда доимий равишда ўрнатилган тартибда мавжуд бўш лавозимлар ҳақидаги маълумотлар Вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини;

Вазирликнинг тегишли бошқарма, бўлим ва ҳудудий бошқармалари билан биргаликда мавжуд бўш лавозимларга ишга қабул қилиш танловларини ўрнатилган тартибда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

3. Моддий-техник таъминот ва қурилиш бўлими (Д.Максудов) бир ҳафта муддатда ишга қабул қилиш танловида иштирок этувчи номзод(лар) билан суҳбат ўтказиш мақсадида Вазирлик биносида доимий фойдаланиш учун алоҳида хона ва компьютер техникаси ажратилишини ҳамда Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

4. Вазирликнинг бошқарма ва бўлимлари ҳамда ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ўзлари бошқараётган бўлинмаларида бўш лавозим юзага келиши билан бир кун муддатда Кадрлар бўлимига мазкур лавозимга белгиланган малака

талаблари ва вазифалари тўғрисидаги маълумотни тақдим этишга жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазир



Ш. Садиков

## Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш (ёллаш) тартиби

### 1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари лавозимларига номзодларни танлаш талабларининг асосий тамойил ва қоидаларини белгилаб беради.

2. Мазкур тартибда қуйидаги тушунчалар қўлланилган:

**бўш лавозим** – Вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари таркибий тузилмасига кирувчи янги ходимни қабул қилиш мумкин бўлган бўш иш жойи (лавозим);

**номзод** – Вазирликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармасида ишлашни хоҳловчи жисмоний шахс;

**суҳбат** – номзодни Вазирлик биносига таклиф қилган ҳолда ёки видеоконференцалоқа орқали Вазирликнинг Ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) иштирокида ўтказиладиган мулоқот;

**комиссия** – Вазирликнинг Ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссияси;

**номзодни баҳолаш** – суҳбат натижасига кўра Комиссия томонидан амалга ошириладиган фаолият;

**бошқарув лавозими** – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасининг номенклатурасига кирмайдиган бошқарма ва бўлим бошлиғи лавозими;

**ишга қабул қилиш бўйича танлов** – номзодларнинг даъвогарлик қилаётган лавозимга билими, тажрибаси, кўникма талаблари, шахсий-психологик жиҳатлари ва бошқа сифатлари бўйича лойиқлигини баҳолаш билан боғлиқ ўтказиладиган чоратadbирлар мажмуи.

3. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси ва Қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарор ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори, тармоқ таснифлагичлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ишлаб чиқилди.

4. Танлов қонунчиликда белгиланган тартибда номзодларнинг Вазирликнинг вазифа ва функцияларига мослигини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

5. Мазкур Тартиб қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасининг номенклатурасига кирувчи ҳамда вазир ўринбосари даражасига тенглаштирилган лавозимлар;

Вазирликнинг юридик масалалари бўйича лавозимлар;

Чет эл фуқаролари;

Вазирликнинг техник ва ёрдамчи персонал таркибига кирувчи лавозимлар.

Иш берувчи томонидан тегишли йўналишни ривожлантириш мақсадида ишга таклиф этилган тажрибали мутахассисларни суҳбат қилмасдан синовсиз ишга қабул қилинишига йўл қўйилади.

6. Ходимларни ишга қабул қилиш бўйича танловни ташкил этиш Вазирликнинг Кадрлар масалалари бўйича бўлим томонидан амалга оширилади.

7. Бошқарув лавозимига ишга қабул қилиш бўйича танловда кўрилаётган лавозим йўриқномаси талабларига мос бўлган номзодлар иштирок этиши мумкин.

8. Танлов номзод(лар)дан келиб тушган ҳужжатлар асосида Вазирликнинг Ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

9. Комиссия таркибига:

Тегишли йўналиш бўйича вазир ўринбосари;

ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказилаётган бўш лавозим мавжуд бошқарма (бўлим) бошлиғи (ўринбосари);

Махфий ҳужжатлар билан ишлайдиган бўлим бошлиғи;

Кадрлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи киритилади.

Бундан ташқари кўриб чиқиладиган бўш лавозим хусусиятидан келиб чиққан ҳолда Комиссия таркибига бошқа ходимлар (юридик бўлим, бухгалтерия, ахборот хавфсизлиги бўйича масъул бўлим ходими ва бошқалар) киритилиши ҳам мумкин.

10. Ишга қабул қилиш бўйича танлов куйидаги босқичлардан иборат бўлади:

бўш лавозимга ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонни чоп этиш/веб-сайтга жойлаштириш;

номзод(лар)нинг ҳужжатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

номзод(лар)ни баҳолаш;

номзод(лар) билан суҳбат ўтказиш.

11. Ишга қабул қилиш бўйича номзод(лар)нинг танловда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлар (йўл ҳақи, яшаш, кунлик, видеоконференцалоқа ва бошқа харажатлар) номзодларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилади.

12. Танловда иштирок этаётган Вазирлик ходимларидан мазкур Тартибнинг 18-бандида келтирилган ҳужжатларни тақдим қилиш талаб этилмайди.

## **II. Бўш лавозимга ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказилишини эълон қилиш**

13. Бўш лавозимга ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказилиши юзасидан эълон куйидагича амалга оширилади:

Вазирликнинг расмий веб-сайтга жойлаштирилади;

Вазирлик томонидан танланган даврий матбуот нашрларида эълон қилинади.

14. Бўш лавозим (мавжуд бўлса) ҳақида маълумотлар ҳар ойнинг охириги иш кунида Вазирликнинг Кадрлар масалалари бўйича масъул бўлими томонидан раҳбарият билан келишилган ҳолда мазкур Тартибнинг 1-иловасида келтирилган А-шакл асосида номзодларга белгиланган малака ва бошқа талаблар кўрсатилган танлов ўтказиш ҳақидаги эълон тайёрланади ва Вазирликнинг оммавий ахборот воситалари билан ишлайдиган бўлимига тақдим этилади.

15. Вазирликнинг оммавий ахборот воситалари билан ишлайдиган бўлими танлов ўтказиш ҳақидаги эълонни маълумот тақдим этилган кундан бошлаб 3 иш кунида Вазирликнинг расмий веб-сайтга жойлаштирилади. Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда эълон бошқа сайтларда, шунингдек, бошқа ижтимоий тармоқларга ҳам жойлаштирилиши мумкин.

16. Номзодлар ҳужжатларини қабул қилиш эълон жойлаштирилган/чоп этилган кундан бошлаб ўн иш куни давомида амалга оширилади.

### **III. Хужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш**

17. Бўш иш ўрнига қабул қилиш бўйича танловда иштирок этиш истагида бўлган номзод(лар) ёзма, телефон ёки электрон почта манзили орқали Вазирликка мурожаат этади(лар).

18. Номзод куйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим (электрон ёки қоғоз шаклда):

- мазкур Партибнинг 2-иловасида келтирилган В-шаклга мувофиқ тўлдирилган маълумотнома;

- маълумоти тўғрисида диплом нусхаси, қўшимча равишда илмий даража ва унвонини тасдиқловчи хужжат нусхаси. Номзод хорижий олий таълим муассасасини тамомлаган бўлса, диплом нусхасига қўшимча равишда нотариал идора томонидан тасдиқланган нострификация қилинганлик тўғрисидаги хужжатнинг нусхаси ҳам тақдим этиши шарт;

- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

- номзоднинг шахсини тасдиқловчи фуқаролик паспорти нусхаси;

- малака оширганлик ёки қайта тайёрланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (охирги уч йилда);

алоҳида ҳолларда:

- номзодга берилган тавсия хати. Тавсия хати имзоланган санадан бошлаб уч ой кучга эга ҳисобланади.

19. Номзоднинг танловга тақдим этилган хужжатлари қайтарилмайди.

20. Номзод томонидан тақдим этилган хужжатларда камчиликлар мавжуд бўлган ёки тақдим этилган хужжатлар талабга жавоб бермаган ҳолларда номзодга танловда иштирок этишга рухсат берилмайди.

21. Танловда иштирок этиш учун юбориладиган хужжатлар белгиланган муддат давомида шахсан номзоддан, почта ёки электрон почта орқали қабул қилинади.

22. Хужжатлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб эълонда кўрсатилган муддатда қабул қилинади.

23. Хужжат қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг Вазирликнинг Кадрлар масалалари бўйича масъул бўлими ва бўш иш мавжуд бўлган тегишли бўлим (бошқарма) томонидан беш кун муддат давомида номзодлар хужжатлари танлов ўтказилаётган бўш лавозим малака талабларига мослиги кўриб чиқилиб, суҳбатга кирувчи номзодлар рўйхати шакллантирилади.

Кўриб чиқиш натижаси бўйича номзодни суҳбатга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида бир иш куни давомида телефон/почта/электрон почта орқали номзодга маълум қилинади.

### **V. Номзодлар билан суҳбат ўтказиш**

24. Суҳбат эҳтиёждан келиб чиқиб Комиссия аъзоларининг иш вақтини инобатга олган ҳолда кўпи билан бир ойда икки марта ўтказилиши мумкин.

25. Суҳбат номзодлар хабардор қилинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ўтказилади.

26. Кадрлар масалалари бўйича масъул бўлим томонидан суҳбат натижалари ҳақида шахсан номзод(лар)нинг ўзлари хабардор қилинади.

27. Суҳбатда Комиссия аъзолари томонидан ҳар бир номзодга даъвогарлик қилаётган бўш лавозим йўналишига мувофиқ талаб ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда саволлар берилади ҳамда жавоблари баҳоланади.

28. Номзод(лар) билан ўтказилган суҳбат натижалари С-шаклдаги намунага мувофиқ Комиссия баённомаси билан расмийлаштирилади. Суҳбат натижалари Вазирликнинг Кадрлар масалалари бўйича бўлимида бир йил сақланади.

29. Баённомада қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин:  
уч ой синов муддати билан ишга қабул қилиш таклиф этилсин;  
синов муддатисиз билан ишга қабул қилиш таклиф этилсин;  
ишга қабул қилиш таклиф этилмасин.

## **VI. Номзодларни ишга қабул қилиш**

30. Комиссия баённомаси асосида номзод меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишга қабул қилинади.

**Ишга қабул қилиш танловини ўтказиш ҳақида  
ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бўш \_\_\_\_\_ лавозимига ишга қабул қилиш бўйича танловни ўтказиш ҳақида эълон қилади.

<b>Вазирлик манзили</b>	
<b>Боғланиш учун телефон ва факс рақамлари</b>	
<b>Электрон почта манзили</b>	
<b>Боғланиш учун вакил Ф.И.О.</b>	
<b>Ҳужжатларни қабул қилиш муддати</b>	
<b>Бўш лавозим вазифалари</b>	
<b>Номзодларга белгиланадиган малака талаблари</b>	
<b>Иш ҳақи ва моддий ёрдам</b>	
<b>Танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати</b>	

Номзоднинг маълумотномаси

МАЪЛУМОТНОМА

Шрифт 14

Шрифт 14

**Эшматов Ботир Баходирович**

3x4 см, охирги  
3 ой давомида  
олинган рангли  
фотосурат,  
электрон  
кўринишда  
(расмий  
кийимда).

2007 йил 5 октябрдан:

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ўқув ишлари бўйича проректори

**Туғилган йили:**

25.10.1960

**Туғилган жойи:**

Тошкент вилояти, Қибрай тумани

**Миллати:**

ўзбек

**Партиявийлиги:**

йўқ

**Маълумоти:**

олий

**Тамомлаган:**

1982 й. Тошкент давлат университети (кундузги)

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:**

иқтисодчи

**Илмий даражаси:**

иқтисод фанлари доктори

**Илмий унвони:**

профессор

**Қайси чет тилларини билади:**

рус, инглиз тиллари

**Ҳарбий (махсус) унвони:**

йўқ

Ҳарбий (махсус) унвони  
фақат ҳарбий ва ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш  
идоралари ходимлари  
учун кўрсатилади.

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):**

2005 й. “Меҳнат шухрати” ордени

**Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**

2010 й. - ҳ.в. - Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

Шрифт 14

4 пт

1977-1982 йй. - Тошкент давлат университети талабаси

4 пт

1982-2004 йй. - Тошкент давлат университети иқтисодиёт факультети кичик илмий ходими

2004-2007 йй. - Тошкент давлат иқтисодиёт университети микроиқтисодиёт факультети декани

2007 й. - ҳ.в. - Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ўқув ишлари бўйича проректори

**Изоҳ:**

1. Шрифт: Times New Roman, 11, MS Word .doc форматда
2. Саҳифа чегаралари: юқоридан 1,5 см, пастдан 1 см, ўнгдан 1 см, чапдан 2 см
3. Маълумотномада қисқартиришлар ишлатиш мумкин эмас.
4. Ф.И.Ш. паспорт маълумотлари билан текширилиши керак.
5. Меҳнат фаолияти бўйича маълумотлар Меҳнат дафтarchаси билан, Тамомлаган ОЎЮ ва мутахассислиги бўйича маълумотлар диплом нусхаси билан текширилиши лозим.
6. Фақат мукамал биладиган чет тиллари кўрсатилади. Луғат ёрдамида биладиганлари кўрсатилмайди.
7. Электрон версияси илова қилиниши шарт. Файл номи кирилл алифбосида, тўлиқ Ф.И.Ш. (ў, қ, г, х ўрнига у, к, г, х ишлатилсин), масалан: Эшматов Ботир Баходирович.doc
8. Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.



**Ботир Баходирович Эшматовнинг яқин қариндошлари ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

Шрифт 14

Қариндошлиги	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Турар жойи
Отаси	Эшматов Баходир Темирович	1935 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Пенсияда (Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти)	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бинокор кўчаси, 5-уй
Опаси	Абдушукурова (Хамдамова) Раҳима	1936 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	2000 йил вафот этган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти)	
Опаси	Соатова (Эшматова) Гулчеҳра Баходировна	1959 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Қибрай туманидаги касб-хунар коллежи ўқитувчиси	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бинокор кўчаси, 25-уй
Укаси	Эшматов Тохир Баходирович	1972 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки етакчи иқтисодчиси	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бинокор кўчаси, 5-уй
Турмуш ўртоғи	Эшматова (Пирматова) Нозима Шарофходжаевна	1968 йил, Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳар 1-марказий поликлиникаси физиотерапия бўлими шифокори	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 20-уй, 21-хонадон
Қизи	Эшматова Зиёда Ботировна	1991 йил, Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ўзбекистон Миллий университети талабаси	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 20-уй, 21-хонадон
Қайнотаси	Пирматов Шарофходжа Нигматович	1939 йил, Тошкент шаҳри	2000 йил вафот этган (Ўзбекистон Миллий университети доценти)	
Қайнонаси	Пирматова (Юнусбекова) Машкура Собировна	1945 йил, Тошкент шаҳри	Пенсияда (Тошкент давлат техника университети доценти)	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ипакчи кўчаси, 33-уй

**Изоҳ:**

Зарур:	Тўғри:	Нотўғри:
- қариндошлиги, фамилияси, исми ва шарифлари ҳамда турмушга чиқишдан аввалги фамилияси аниқ кўрсатилиши.	Ўғли Рўзиев Асрор Ҳолматович Турмуш ўртоғи Исламова (Пирматова) Нилуфар Шариповна	Ўғлим Рафикам Рўзиев А.Х. Исламова Н.
- туғилган йили, вилояти ва тумани (шаҳри) аниқ кўрсатилиши.	1976 йил, Самарқанд вилояти, Ургут тумани	1976 й., Сам. в.д. Ургут тум. 1956 йил, Фарғона вилояти
- иш жойи ва лавозими тўлиқ кўрсатилиши. Маълумотлар тақдим этилаётган муддатда тўғрилигига эътибор қаратиш.	"Фотон" очик акциядорлик жамияти иқтисод бўлими мутахассиси	МТП ишчиси 1990 йил мактаб ўқувчиси
- вафот этган бўлса вафот этган йили ва (пенсияда бўлса ҳам) аввалги лавозими тўлиқ кўрсатилиши ("илгари", "бўлган" сўзларисиз).	1992 йил вафот этган (1-марказий поликлиника шифокори)	Вафот этган Пенсияда (илгари ўқитувчи бўлган)
- турар жойида вилоят, шаҳар, туман, даха сўзларининг номлари тўлиқ кўрсатилиши.	Андижон вилояти, Асака тумани, Ипакчилик кишлоқ фуқаролари йиғини, 5-уй	Тош. ш. Чилонзор 15/14/20 Бухоро вил., Вобкент тум.

Тартибга 3-илова  
С-шакл  
“Тасдиқлайман”  
Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири (Ўринбосари),  
Комиссия раиси

**Ишга қабул қилиш бўйича танлов Комиссиясининг  
номзод(лар) билан (видеоконференцалоқа орқали) ўтказилган суҳбати  
БАЁННОМАСИ № \_\_\_\_\_**

“\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 й.

Тошкент шаҳри

**Раислик қилди:**

Ф.И.О. - Лавозими

**Комиссия аъзолари:**

Ф.И.О. - Лавозими

Ф.И.О. - Лавозими

Ф.И.О. - Лавозими

Ф.И.О. - Лавозими

**КУН ТАРТИБИ:**

2020 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да бўш иш ўринларига эълон қилинган танлов бўйича номзод(лар) билан суҳбат ўтказиш.

**Суҳбатда иштирок этадиган номзод(лар) рўйхати:**

1. Ф.И.Ш.

2. Ф.И.Ш.

3. Ф.И.Ш.

4. Ф.И.Ш.

....

Кун тартибидаги масала бўйича 1- номзод Ф.И.Ш. билан қуйидагича суҳбатлашилди:

Кўриб чиқиладиган иш ўрни:

1- савол:

Жавобга баҳо: тўлиқ ва тўғри / қисман тўғри / қониқарсиз / жавоб йўқ

2- савол:

Жавобга баҳо: тўлиқ ва тўғри / қисман тўғри / қониқарсиз / жавоб йўқ

...

Кун тартибидаги масала бўйича 2- номзод Ф.И.Ш. билан қуйидагича суҳбатлашилди:

Кўриб чиқиладиган иш ўрни:

1- савол:

Жавобга баҳо: тўлиқ ва тўғри / қисман тўғри / қониқарсиз / жавоб йўқ

2- савол:

Жавобга баҳо: тўлиқ ва тўғри / қисман тўғри / қониқарсиз / жавоб йўқ

...

Комиссия кун тартибидаги масала бўйича номзод(лар) билан суҳбатлашиб, саволларга у(лар)нинг берган жавобларини инобатга олган ҳолда, **қарор қилади:**

1- номзод Ф.И.Ш.ни ..... лавозимига 3 ой синов муддати билан ишга қабул қилиш таклиф этилсин (синов муддатисиз ишга қабул қилиш таклиф этилсин/ишга қабул қилиш таклиф этилмасин).

2- номзод Ф.И.Ш.ни ..... лавозимига 3 ой синов муддати билан ишга қабул қилиш таклиф этилсин (синов муддатисиз ишга қабул қилиш таклиф этилсин/ишга қабул қилиш таклиф этилмасин).

...

**Комиссия аъзоларининг имзолари:**

Ф.И.О.

Ф.И.О.

Ф.И.О.

Ф.И.О.